*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 60 (8550). ● 23 март, 1985 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга, совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга эришишда партияни, давлат органларини ва жамоат ташкилотларини, халқ хўжалиги механизмининг барча бўғинларини сафарбар этишга қаратилган йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилди. Меҳнат, давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш, дабдабабозлик ва масъулиятсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, социалистик турмуш нормаларига зид бўлган барча нарсаларга қарши қатъий курашиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Совет Иттифоқи бундан буён ҳам тинчлик ва тараққиёт йўлини қатъият ҳамда изчиллик билан ўтказиб бориши, тинчлик ва тинч-тотув яшаш ленинча принципларига амал қилавериши таъкидланди.

Шу жиҳатдан ўтган ҳафта КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар партиялари ва давлатларининг раҳбарлари билан бўлиб ўтган дўстона учрашуви катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу учрашувдаги фикрлашувлар муҳокама этилган муҳим масалаларга бир хилда ёндашилаётганлигини тасдиқлади. Бундай ёндашув қардош мамлакатларнинг ҳар томонлама алоқаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга, уларнинг сиёсий, иқтисодий, идеологик, мудофаа соҳаларидаги ва бошқа соҳалардаги мустаҳкам баҳамжиҳат ҳаракатига хизмат қилади.

Ҳамдўстликнинг муштарак манфаатлари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши қарорлари изчиллик билан амалга оширилишини, иқтисодий ҳамкорлик социалистик интеграцияни чуқурлаштириш йўлидан ривожланиб боришини тақозо этади. Кучлар жамланганида қардош мамлакатларнинг ҳар бири халқ хўжалиги соҳасида тобора кўпроқ самара олади. Социалистик ҳамдўстлик жаҳон майдонида социализм позицияларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш, ядро урушининг олдини олишга қаратилган ҳаракатларни кучайтириш учун зарур потенциалга эгадир. Бу ишда тинчликни таъминлашнинг ишончли воситаси — Варшава Шартномаси ташкилоти бундан буён ҳам муҳим роль ўйнайверади.

Сиёсий бюро дўстона учрашув, бошқа социалистик мамлакатлар делегацияларининг раҳбарлари билан суҳбатларнинг якунларини тўлатўкис маъқуллаб, ана шу учрашув ва суҳбатларда КПСС билан Совет давлати иттифоқчиларимиз билан қардошларча дўстликни аввалгидек сақлаш ва бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, ташқи сиёсий ишларда социализм мамлакатларига афзаллик беришга бўлган иродани изҳор этганликларини тасдиқлади.

М. С. Горбачев, Н. А. Тихонов ва А. А. Громико ўртоқлар жаҳондаги кўпгина давлатларнинг Москвага келган раҳбарлари билан ўтказган суҳбатлари катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Ана шу суҳбатларда Совет Иттифоқи тинчликни мустаҳкамлашга, халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатишга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказаётганлиги янги куч билан изҳор этилди. Ана шу мақсадлар учун курашда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги қўшилмаган мамлакатлар бундан буён ҳам бизнинг шерикларимиз ва дўстларимиз бўладилар. 70-йиллардаги кескинликни юмшатиш тажрибаси исботлаганидек, капиталистик давлатлар билан муносабатлар ҳам тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик руҳида талай даражада ривожланиши мумкин, фақат бунга ўзаро тайёрлик мавжуд бўлиши шарт. Совет Иттифоқи бунга тайёрдир. Ҳозирги бош вазифа — космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ерда шундай пойгани тўхтатиш, пировард натижада ядро қуролини батамом ва ҳамма жойда йўқ қилишга олиб борадиган қадам сифатида ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш ишида куч-ғайратларни бирлаштириш ҳамда кўпайтиришдан иборатдир. Совет Иттифоқи яқинда Женевада бошланган Совет — Америка музокараларида ўз куч-ғайратларини айни шу йўналишда сарфлайди.

В. В. Кузнецов ва Б. Н. Пономарев ўртоқларнинг бир қанча мамлакатлар коммунистик, социалистик ва миллий демократик партияларининг бошлиқлари билан, давлат ҳокимияти олий органларининг намояндалари билан ўтказган суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти маъқулланди.

Сиёсий бюро мажлисида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги билан ҳамда мамлакатимиз ва чет эллардаги социалистик давлатлар меҳнаткашларининг шу шонли воқеага тайёргарликда иштирок этишлари билан боғлиқ бир қанча масалалар муҳокама этилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Сиёсий бюро СССР Министрлар Советининг суғориш системаларини қуриш ишларини комплекс равишда бажариш, қишлоқ хўжалик экинлари парваришининг индустриал технологияларини жорий этиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига Ростов областида суғориладиган деҳқончиликни янада ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш борасида ишлаб чиққан тадбирларини муҳокама этиб, маъқуллади.

Ўртоқ В. И. Воротниковнинг Сербия ва Черногория ҳукуматлари таклифига биноан Югославияга бориб келган Совет делегациясининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди. Югославия Коммунистлар союзининг, Сербия ва Черногория Социалистик Республикаларининг раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар ҳар иккала томон КПСС билан ЮКС, СССР билан ЮСФР ўртасидаги ҳамкорликни, ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техника алоқаларини янада ривожлантиришга, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни, халқаро майдондаги баҳамжиҳат ҳаракатни кенгайтиришга интилаётганлигини тасдиқлади.

Сиёсий бюро Н. А. Тихонов ва А .А. Громико ўртоқларнинг Франция ташқи алоқалар министри Р. Дюма билан учрашуви тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, бу учрашув кескинликни юмшатиш сиёсатига қайтиш зарурлиги, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш, кучлар мувозанатини мумкин қадар пастроқ даражада сақлаб туриш, космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик каби муҳим масалалар юзасидан мамлакатларимизнинг позициялари муайян даражада яқинлигини яна бир бор кўрсатганлигини қайд этиб ўтди. СССР билан Франция сиёсий мулоқотни ривожлантириш билан бир қаторда экономика, технология ва маданият соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва айирбошлашни янада чуқурлаштиришга интилаётганликлари ҳам қайд этилди.

Ўртоқ В. В. Щербицкийнинг СССР Олий Совети делегациясининг Америка Қўшма Штатларига сафари якунлари тўғрисидаги ахбороти маъқулланди. Делегация АҚШ маъмурияти ҳамда конгрессининг намояндалари билан, шунингдек Америка жамоат ва савдо-саноат доираларининг вакиллари билан бўлган учрашувлар ҳамда суҳбатлар чоғида Совет — Америка муносабатларига оид масалалар ва туб халқаро проблемалар, аввало, ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини тўхтатишга ҳамда космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймасликка тааллуқли проблемалар хусусида СССРнинг принципиал позициясини тушунтириб бериш юзасидан катта иш қилганлиги қайд этиб ўтилди. Қонун чиқарувчи олий органлар орқали, ҳамжиҳатликни яхшилаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш манфаатларини, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, Америка Қўшма Штатлари билан алоқаларни янада ривожлантиришнинг аҳамияти таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишга оид бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

*ЯГОНА СИЁСИЙ КУН*

# УЛУҒ АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Мамлакатимиз тарихининг қаҳрамонона саҳифаси — Россиядаги 1905—1907 йиллар революцияси бошланганига саксон йил тўлди. Унинг сиёсий сабоқлари бизнинг давримизда ҳам совет кишилари учун, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун ғоят актуал бўлиб турибди.

22 март куни республикада ўтказилган ягона сиёсий кун Россиядаги биринчи халқ революциясига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, сайлаб қўйилган активлар, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари корхоналарнинг цехларига, қурилиш майдонларига, дала шийпонларига ва чорвачилик фермаларига, ўқув дарсхоналари ва маҳалла клубларига бориб докладлар қилдилар, меҳнаткашлар билан бевосита жонли мулоқотда бўлдилар. Улар 1905—1907 йиллар революцияси янги тарихий даврни — чуқур социал ларзалар ва революцион жанглар даврини бошлаганлиги ҳақида гапирдилар.

В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси — равшан революцион назарияни ишчилар ҳаракати билан амалда қўшган янги типдаги партия халқнинг озодлик курашига пешқадамлик қилганлиги, уни жангга руҳлантирганлиги биринчи Россия революциясининг муҳим хусусияти бўлганлигини докладчилар таъкидлаб ўтишди. Партия меҳнаткашлар оммасига қаттиқ таяниб, унинг орзу-умидлари ва муддаоларини ифодалаб оммани кураш жараёнида сиёсий жиҳатдан тарбиялади ва чиниқтирди.

1905—1907 йиллар революцияси интернационал тус олганлиги ҳам жуда муҳимдир. Россия ишчиларининг кураши барча миллатларга мансуб халқ оммасининг ва шу жумладан Туркистон меҳнаткашларининг онгини уйғотди, уларни синфий жангларга даъват этди. Ўша йилларда Туркистонлик большевиклар маҳаллий миллат деҳқонлари ва камбағаллари орасида катта иш олиб бордилар. Улар ўлка меҳнаткашларини рус пролетариати теварагига жипслашишга чақирдилар, ленинча миллий сиёсатнинг моҳиятини тушунтириб бердилар, омма орасида қатъий революцион ҳаракатларга даъват этувчи варақаларни тарқатдилар.

Россиядаги революцион кураш кучайиб борган даврда дастлабки ишчи депутатлари Советлари тузилди. Ўша олис йилларда дунёга келган Советлар ҳозир давлатимизнинг сиёсий негизини ташкил этиб турибди, чинакам халқ ҳокимиятини таъминламоқда.

Биринчи халқ революциясининг тарихий сабоқлари зое кетмади. Сиёсий кун қатнашчилари Коммунистик партия 1905—1907 йиллар воқеаларининг тажрибасидан фойдаланиб ишчилар синфини, бутун меҳнаткаш халқни 1917 йил октябрида ҳал қилувчи жангга қандай бошлаганлигини, мамлакатда совет ҳокимияти қандай ўрнатилганлигини, у қандай мустаҳкамланиб, камол топганини, партия ғолибона социализм қурилишига қандай раҳбарлик қилганини гапириб бердилар.

Докладчилар Улуғ Октябрь ғалабасидан кейинги йиллар мобайнида мамлакатда рўй берган жуда катта ўзгаришларни таърифлаб, Совет Ўзбекистонининг экономикаси ва маданияти равнақ топганлиги ленинча миллий сиёсат тантанасининг далили эканлиги ҳақида, мамлакатимиздаги совет халқлари улуғ дўстлигининг бунёдкорлик кучи ёрқин намунаси эканлиги тўғрисида гапирдилар.

Ленин партиясининг доно раҳбарлигида Ильич васиятларини рўёбга чиқараётган совет халқи ривожланган социализм жамиятини қурмоқда. Зотан ҳозир партия, бутун халқ фаолиятининг асосий маъноси бу жамиятни планли равишда ҳар томонлама такомиллаштиришдан, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдан иборат, деб таъкидлашди сиёсий кун қатнашчилари. Халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изига кескин буриб юбориш йўли бошланди.

Улуғ Ленин анъаналарига садоқатли Коммунистик партия ўзининг принципиаллиги, изчиллиги, революцион давомийлигини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленумида янги куч билан намойиш қилди. Совет кишилари Пленум қарорларини қизғин маъқулладилар. Совет халқи келажакка ишонч билан қараётганлиги таъкидланди. У Коммунистик партиянинг сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқда, чунки партия — мамлакат барча синфлар ва социал группаларининг, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини эътиборга ола биладиган, уларни бир бутун қилиб жипслаштирадиган, халқнинг куч-ғайратини коммунистик бунёдкорликнинг муштарак ишига сафарбар қиладиган кучдир.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, халқ зиёлилари ҳам Россиядаги биринчи революциянинг саксон йиллигини нишонлаб, юксак сиёсий активлик вазиятида КПСС XXVII съездини, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, шу йилги план ва мажбуриятларни, умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашмоқдалар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

Шу куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводи ҳамда саралаш фабрикаси меҳнатчилари билан учрашди. У ишчилар билан суҳбатлашди, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини қизиқиб сурииштирди, саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

*Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида гапирилган эди*

# ХОТИРЖАМЛИК ЭМАС, ҲАМКОРЛИК КЕРАК

## Вагонларнинг бекор туриб қолишига йўл қўймайлик

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ БЎЛИНМАСИДАГИ МУХБИРЛАР ПОСТИ ХАБАР ҚИЛАДИ.**

**Пойтахт областимиз халқ хўжалигини интенсив ривожланиши кўп жиҳатдан темир йўл транспорти ишига ҳам боғлиқ. Бу шу тармоқ ишини ҳар томонлама такомиллаштиришни тақозо этади.**

**Шу муносабат билан редакция Тошкент темир йўл бўлинмасида мухбирлар пости ташкил этди. Бугун шу пост аъзолари тайёрлаган дастлабки материални эълон қиляпмиз.**

БЎЛИНМАМИЗ ишчи-хизматчилари шу кунларда КПССнинг бўлажак XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ҳамда стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун фидокорона ишламоқдалар. Ўзларининг бор куч ва имкониятларини якунловчи йил, умуман, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаришга сафарбар этишмоқда.

Ишни ҳар жиҳатдан пухта ташкил этиш, сифатини яхшилаш ва унумини ошириш энг муҳим вазифаларимиздир. Уларни бажариш учун иш суръатини бир зум ҳам бўшаштирмай олиб боряпмиз, резервларимизни ишга солаяпмиз, изланмоқдамиз. Натижада темир йўлчиларимиз ишида муайян ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ютуқларимиз кўлами ой сайин кенгайиб боряпти. Аҳолига темир йўл транспорти хизмати кўрсатиш ишлари бирмунча яхшиланяпти. Халқ хўжалик юкларининг кўпгина турлари белгиланган манзилларга ўз муддатларида етказиб беряпти. Вагонлар ҳаракатининг мунтазамлилиги оширилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг сўнгги ойида ҳар суткада 1650 вагон юк туширилиб-ортилган бўлса, шу йилнинг январь ойида бу рақам 1860 тага етди. Февраль ва март ойларида эса қўшимча 2076 вагонга кўпайди. Юки туширилмасдан муддатидан ортиқча туриб қолган вагонларнинг сони ҳам 200 тага камайди.

Бўлинмамиз хизмат кўрсатаётган кўпгина корхоналар, ташкилотлар вагонларнинг туриш муддатини анча камайтирдилар. Улар орасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг темир йўл хўжалиги, Тошкент ГРЭСи, граждан ҳаво флоти бирлашмаси сингари ўнлаб саноат корхоналари бор. Улар ўтган йилнинг дастлабки кварталига нисбатан шу йилнинг уч ойи ичида вагонларнинг юкини тушириб олишни бир соатдан ўн соатгача тезлаштиришга эришдилар. Шу туфайли бу илғор корхоналар коллективимиз томонидан моддий рағбатлантириб турилди.

Партия ва совет ташкилотларининг биз темир йўлчиларга яқиндан ёрдам кўрсатаётганликлари туфайли ҳам ана шундай юксак кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда. Аммо айрим саноат корхоналари вагонлардан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этишмаяпти. Вагонлар оборотини тезлаштиришга ҳаракат қилмаяптилар. Шу туфайли оборотнинг мунтазамлилиги издан чиқаяпти. Айниқса, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бу борада сусткашликка йўл қўймоқда. Биргина февраль ойининг ўн куни мобайнида 120 та вагондаги юк ўз вақтида туширилмади. Ҳамза номли темир йўл бекатида эса «Узбитхимпласт» ташкилоти бешта вагондаги юкни туширишни икки-уч суткага чўзиб юборди.

Олмалиқ химия заводи ҳам бундай камчиликлардан холи эмас. Бу корхонада ҳам вагонлар юкдан ўз вақтида бўшатилмай қолиб кетаяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Юқорида тилга олинган корхоналарнинг раҳбарлари шартнома талабларига тўлиқ амал қилмаётганликлари кишини ҳам ажаблантиради, ҳам ташвишлантиради.

Областимиз саноат корхоналарида юк ташувчи вагонларни ҳамда контейнерларни ремонт қилиш тобора кенг жорий этилмоқда. Бу ватанпарварлик ташаббусини москвалик илғор коллективларнинг ишчи-хизматчилари бошлаб беришган эди. Бўлинмамиз коллективи ҳам уни биринчилар қатори қўллаб-қувватлади. Жойларда ташаббускорларнинг издошлари пайдо бўлди. Улар ўзлари фойдаланаётган юк вагонлари ҳамда контейнерларни жорий ремонтдан чиқариб, навбатдаги иш кунларига пухта шай қилиб қўйишни ҳам унутишмаяпти. Бу туфайли поездлар ҳаракатининг маромлилиги ҳам, вагондан фойдаланиш коэффициенти ҳам кейинги уч йил ичида анча ошди. Иш сифати яхшиланди. Эндиликда пойтахт областимиз ҳамда шаҳримиз саноат корхоналарининг 50 таси мана шундай муҳим ишда фаол қатнашишмоқда. Бу соҳадаги ишлар ҳажми 1983 йилдагига нисбатан беш баравар ортди.

Кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари социалистик мажбуриятларда белгиланган бу муҳим банднинг шартларини тўлиқ адо этишга эришмоқдалар. Ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили юзлаб вагонларнинг ремонт қилинишини таъминлашаяпти. Улар орасида Эйвалик темир-бетон буюмлари заводи, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг юк ортиш-транспорт бошқармаси, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент экскаватор заводи ва бошқа корхоналар бор. Ўтган 1984 йилда бу коллективларнинг жонкуярлиги туфайли 3000 дан зиёд юк ташувчи вагон ҳамда контейнерлар ремонтдан чиқарилди. Бу йил уни 8960 тага етказиш режалаштирилган.

Областимиз миқёсида ҳар ойда 18 мингга яқин вагонга юк ортилиб--туширилмоқда, юзлаб вагонлар ремонтдан чиқариляпти. Йилнинг дастлабки ойлари мобайнида 600 та юк вагони ва контейнер созлаб қўйилди. Албатта, бу кўрсаткич янада оширилиши мумкин эди. Аммо айрим саноат корхоналарида бу ишга етарли эътибор берилмаяпти. Уларнинг айби билан юзлаб вагонлар муддатида ремонтдан чиқарилмади.

Шундай корхоналар раҳбарлари ҳам борки, улар бўлинмамиз билан тузилган шартнома мажбуриятларини умуман бажаришни хаёлларига ҳам келтирмайди. Уларда бу иш қоғозда қолиб кетган. «Ўзбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводлари, «Ахангаранцемент» комбинати, Тўйтепа металл конструкциялари заводи ва яна 20 га яқин корхонада шундай аҳвол ҳукм сурмоқда.

Биргина «Ахангаранцемент» комбинатининг ўзида ҳар ойда 2480 та юк вагонлари ва контейнерлар ишлатилади. Ўтган йили шуларнинг 110 таси ремонт қилиб берилган эди. Бу йил эса биринчи квартал якунланай деб қолган бўлишига қарамай, биронта контейнер ёки юк вагон ремонтдан чиқарилмаган.

Биз юк вагонлари оборотини сусайтириб юбораётган, уларнинг юк ортиш-тушириш операциялари вақтида ортиқча туриб қолишига йўл қўяётган корхоналар ва ташкилотлардан жарима оламиз. Лекин гапнинг пўст калласини айтганда, биз жарима олишдан манфаат ҳам кўрмаймиз, бунга қизиқмаймиз ҳам. Бизни вагонлар оборотини тезлаштириш кўпроқ қизиқтиради, шундан кўпроқ манфаатдормиз. Чунки, уларнинг юк ортиш-тушириш вақтида нормада белгиланган муддатда, ҳатто ундан ҳам камроқ туриши халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун кўпроқ вагонлар етказиб бериш имконини вужудга келтиради. Демак, жўнатилиши лозим бўлган юклар тармоқ йўлларида, корхоналарнинг тайёр маҳсулот майдонларида узоқ вақт маҳтал бўлиб қолмайди, улар буюртмачилар, мижозларга тез ва соз етказиб берилади. Шундай экан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида алоҳида таъкидланганидек, темир йўл ишини яхшилаш, унинг маданиятини оширишнинг муҳим омиллари ҳисобланган вагонлар оборотини тезлаштириш резервларидан ҳар томонлама тўла ва оқилона фойдаланиш темир йўлчилар қатори, уларнинг хизматидан фойдаланаётган барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳам биринчи даражали вазифаси бўлиб қолмоғи керак.

Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган ажойиб пурҳикмат нақл бор. Юк вагонлари оборотини тезлаштиришдан ҳаммамиз манфаатдормиз. Шу туфайли ҳам бу соҳада биз, пўлат из ходимлари ва мижозлар бир ёқадан бош чиқариб, яқин ҳамкорликда бир-биримизга ёрдам қўлини чўзиб ишламоғимиз керак. Бундан умум ишимизга фақат катта фойда келишини ҳеч вақт унутмаслик лозим.

**З. ОЛИМЖОНОВ,**
**Тошкент темир йўл бўлинмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**

*ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ*

# СОҒЛОМ ВА СЕМИЗ

БУ КОЛХОЗДА ҳамма соҳада қатъий тартиб-интизом йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам ютуқлар тобора салмоқли бўлиб бораётир. Хўжаликлар ўртасидаги чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақада ҳам Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози чорвадорлари пешқадамликни қўлдан бермай келишаётир. Бу ерда 1985 йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт, сут, тухум етиштириш анча кўпайди. Энг муҳими, соғин, сигирлар маҳсулдорлиги пасаймаётир.

— Аввало молхоналар қишловга пухта тайёрланганди, — дейди колхоз бош зоотехниги Ҳабибулла Турғунов. — Қорамоллар сақланаётган хоналар иссиқ, озода. Ем-хашаклар ўз вақтида берилмоқда. Ҳар куни сигирларни мавжуд озуқа турларига қараб қатъий рацион асосида парвариш қилаётганлигимиз туфайли уларнинг маҳсулдорлиги 9-10 килограммдан тушмаяпти.

Колхозда илғорлар тажрибаси кенг оммалаштириб борилмоқда. Масалан, мусобақада пешқадамлик қилаётган Гулгаз Маҳмудова, Фотима Мамедова, Ясира Фозилаҳмедова сингари соғувчилар ёш чорвадорларга ўз тажрибаларини бажонидил ўргатмоқдалар. Чорвадорлар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалиб ғолиблар рағбатлантириб борилмоқда.

Бу колхозда қишловнинг муваффақиятли ўтиши учун ҳамма бирдек жон куйдиради. Баҳодир Маҳкамов, Нусрат Ҳайбердиев, Йўлдош Саидумаров, Али Саидов сингари чорвадорлар озуқаларни майдалаш, молларни ўз вақтида озиқлантирилишида жонкуярлик қилишмоқда. Ветеринария врачи Мирсоли Эшмуҳамедов эса қорамолларнинг касалликка чалинмаслиги учун назоратни кучайтирмоқда. Хуллас, 543 бош қорамол қишдан соғлом, юқори семизликда чиқаётир.

**Ҳ. АСРОҚУЛОВ.**

# ҚЎЗИЛАР КЎПАЙИБ ҚОЛДИ

**КУН бирдан совиб кетди. Эндибой ярим кечаси яна қўйлардан хабар олгани чиқди. Қўраларни айлангач, қўйларга яна хашак солди. «Жониворлар анча совқотибди, хаёлидан ўтказди тажрибали чўпон, бундай кезларда уларга тез-тез сифатли озуқа бериб турган фойдали. Ана шунда совлиқлар қишловдан соғлом чиқиши билан биргаликда дуркун қўзилайди».**

**...Эндибой Жақаев ўттиз йилдирки, Паркент районидаги «Бўстон» совхозида чўпонлик қилиб келади. Ана шу йиллар ичида доимо совлиқлардан кўплаб соғлом қўзи олишга эришиб келаётир. Хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда унинг кўплаб шогирдлари ўзи билан ёнма-ён меҳнат қиляпти.**

**— Чўпонларда қўйларни қишда қаттиқ совуқдан, ёзда иссиқдан асра, деган гап бор, — дейди Эндибой Жақаев. — Бунинг маъноси кенг. Совлиқни совуқда қолдирдингизми, ундан соғлом қўзи олишни ўйламанг. Саратоннинг авжи иссиғи ҳам қўйларни ишдан чиқаради. Мен бунга йўл қўймайман. Натижа ёмон бўлмаяпти. Ўтган йили қарамоғимдаги ҳар юз бош совлиқдан 135 тадан қўзи олиб юксак социалистик мажбуриятни ҳам анча ортиғи билан бажардим.**

**Совхозда Эндибой аканинг тажрибаси кенг қўлланмоқда. Шунинг учун бу соҳадаги ютуқлар салмоқли бўлаётир. 1984 йилда хўжалик бўйича ҳар юз бош совлиқдан пландаги 95 ўрнига 110 бошдан қўзи олишга эришилди. Бу йилги марра янада юқори натижаларга эришишдир.**

**Қишловни ҳар томонлама муваффақиятли якунлаш юзасидан социалистик мусобақа ташкил этилган. Бунда Эндибой Жақаев ва унинг мусобақадоши Ибрай Даулбоев бошчилик қилаётган отарларнинг чўпонлари пешқадамлик қилаяптилар. Айни кунларда совхоз отарларида қўзилатиш қизғин бормоқда.**

**М. ҲАЙДАРОВ.**

## СЎНГГИ СОАТДА

**● ПРАГА**

**Острава шаҳрининг фашизмга қарши курашчилар иттифоқи Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги шарафига кенг пропаганда кампаниясини бошлади. Иттифоқнинг 1300 дан кўпроқ аъзоси корхоналарда, бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари коллективларида Остравани тўртинчи Украина фронти жангчилари ва биринчи чехословак корпусининг қисмлари озод қилганлиги тўғрисида сўзлаб беришади. Лекция ва суҳбатлар ҳам халқларнинг қуролсизланиш ва ер юзида мустаҳкам тинчлик йўлида олиб бораётган бугунги курашига бағишланади.**

**Ўтган йили Острава шаҳрининг фашизмга қарши курашчилар иттифоқи ўтказган мингдан кўпроқ оммавий тадбирларда юз мингдан зиёд киши қатнашди. Острава районининг ёшлари шанбаликларда 30 минг соатдан кўпроқ ишлаб бердилар, ана шу шанбаликлар давомида жанглар бўлиб ўтган жойлардаги ёдгорликлар, ҳалок бўлган жангчиларнинг қабрлари тартибга келтирилди.**

**● НЬЮ-ЙОРК**

**Флорида штатидаги Винис шаҳри устида кучли қуюн ўтиб, кўп иморатларни вайрон қилди. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабар беришича, 29 бино батамом вайрон этилиб, салкам 90 бино шикастланган. Икки киши ҳалок бўлган ва камида 40 киши жароҳатланган. Дастлабки маълумотларга кўра, қуюн етказган зарар бир неча миллион долларга боради.**

**● КИТО**

**Эквадордаги энг катта шаҳарлардан бири — Риобамбада совет фильмлари фестивали очилди. Фестиваль совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилмоқда. Эквадорлик томошабинлар гитлерчилар фашизмини тор-мор этишга Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини тасвирловчи бадиий ва ҳужжатли ленталар билан танишадилар. (ТАСС).**

СЎНГГИ СОАТДА

